Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

14 май, 1971 йил жума ◆ № 108 (14.978). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига сайлов ўтказиш кампанияси тобора кенг қулоч ёйиб бормоқда. Совет кишилари КПСС XXIV съездининг қарорларидан илҳомланиб, партиянинг белгилаган режаларини муносиб равишда амалга оширмоқ учун интилаётганлигини ифода қилган ҳолда шу ажойиб воқеага яқинлашиб бормоқдалар. 12 майда сайловга тайёргарлиқ кўришнинг янги муҳим босқичи бошланди. Округ сайлов комиссиялари депутатликка номзодларни рўйхатга ола бошладилар.

Москвада РСФСР Олий Советига сайлов ўтказувчи Бауман сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси баланд руҳ билан ўтди. Комиссия раиси Бутуниттифоқ авиация материаллари илмий-тадқиқот институтининг бошлиғи, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Т. Туманов мажлисни очди.

Республикамизнинг ҳамма областлари ва ўлкаларидаги иллғор корхона ва муассасалар, совхозлар ва колхозларнинг коллективлари, деди у, совет халқининг улуғ Ленин ишига, шонли Коммунистик партиямизнинг ишига садоқатли, КПСС XXIV съездининг қарорларини бажариш учун актив курашга тайёр муносиб фарзандларини РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатмоқда.

Москва шаҳар Бауман сайлов округининг округ сайлов комиссиясига хисоб-аналитик машиналар, «Старт», 2-автотрактор электр аппаратлари заводлари, Москва озиқ-овқат комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг, Бауман номли Москва олий техника ўқув юрти профессорлари, муаллимлари, ишчилари, хизматчилари, аспирантлари ва студентларининг, бутуниттифоқ электромеханика илмий тадқиқот институти илмий ходимлари, инженер-техник ходимлари, ишчилари ва хизматчиларининг йиғилишларидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни РСФСР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар тушди.

Леонид Ильич Брежнев Москва, Россия Федерацияси ўлкалари ва областлари меҳнаткашларининг кўпдан-кўп йиғилишларида РСФСР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Бугун газеталарда округ сайлов комиссияларига ёзилган очиқ хатни ўқиб, ўртоқ Л. И. Брежнев бизнинг Бауман сайлов округимиздан депутатликка овозга қўйилиш учун розилиқ берганлигини шоду ҳуррамлик билан билдик, деди нотиқ.

Йиғилиш аҳли бу сўзларни давомли, гулдурос қарсаклар билан кутиб олади.

Сўнгра округ сайлов олди кенгашининг раиси, Бауман номли Москва олий техника ўқув юртининг ректори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. А. Николаев сўзга чиқди. У Бауман сайлов округидан ўртоқ Л. И. Брежневни РСФСР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритади.

Комиссиянинг мажлисида ўз коллективлари номидан сўзга чиққан ҳисоб-аналитик машиналар заводининг механик слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. С. Егоров ва бошқалар бу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **Леонид Ильич Брежнев**ни Москва шаҳар **Бауман** сайлов округидан РСФСР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилинади.

Пойтахт Ленинград сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия раиси Москвадаги конструкторлик бюроларидан бирининг раҳбари В. П. Чижов мажлисни очиб, бундай деди:

— Бугун биз иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига ёзилган очиқ хатни эўр мамнуният билан ўқиб чиқдик. Хатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний Ленинград сайлов округидан РСФСР Олий Советига депутатликка овозга қўйилиш учун розилик берганлигини шоду ҳуррамлик билан билдик, деди нотиқ.

Комиссия раиси Н. В. Подгорнийни Ленинград сайлов округидан РСФСР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб, рўйхатга олишни таклиф қилди. Сўзга чиққан нотиқлар ҳам бу таклифни яқдиллик билан маъқулладилар.

Комиссиянинг яқдиллик билан қабул қилинган қарорида, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси **Николай Викторович Подгорний Ленинград** сайлов округидан РСФСР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

РСФСР Олий Советига сайлов ўтказувчи пойтахт Фрунзе сайлов округида сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Округ комиссиясининг раиси 2- Москва соатсозлик заводининг слесари В. Н. Сибиряков мажлисни очди. У айтдики, округнинг ҳамма сайловчилари иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига ёзилган очиқ хатни эътибор билан ўқиб чиқдилар ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Фрунзе сайлов округидан овозга қўйилишга розилик берганлигини билиб, жуда хурсанд бўлдилар. У А. Н. Косигинни Фрунзе сайлов округидан РСФСР Олий Советига депутатликка номзод қилиб рўйхатга олишни таклиф қилди.

Шундан кейин сўзга чиққан нотиқлар ўз коллективларининг топшириғига биноан, бу таклифни қизғин маъқулладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси **Алексей Николаевич Косигин**и Москва шаҳар **Фрунзе** сайлов округидан РСФСР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилинади.

РСФСР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси Москвадаги мўйна корхоналари бирлашмаси «Труд»нинг бичиқчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Вера Степановна Цаплован**и пойтахт **Ростокин** сайлов округидан депутатликка номзод қилиб рўйхатга олди.

РСФСР Олий Советига сайлов ўтказувчи Москва шаҳар Москворецкий сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда 51-поликлиниканинг участка врачи, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган врач **Мария Макаровна Беляева**ни шу округдан депутатликка номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилинди.

Округ сайлов комиссиясининг мажлисида таниқли винокур, 18-Мосстрой трести комплекс бригадасининг бошлиғи **Иван Васильевич Дюкарев** пойтахт **Дегунин** сайлов округидан Россия Федерациясининг Олий Советига депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинди. (ТАСС).

БУГУН — ГРУЗИЯ ССР ВА ГРУЗИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ



Суратда: Тбилиси шаҳри Ванс районининг маданият ва истироҳат боғи.

С. Кандалаки фотоси (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ТБИЛИСИГА КЕЛДИ

Грузия ССР ва Грузия Коммунистик партиясининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 13 майда Тбилисига келди.

Аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни Д. А. Кунаев, П. Е. Шелест, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Дзоценидзе, Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси Г. Д. Жвавишвили, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, Киргизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Е. Кочинян, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғапуров, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Хоров, РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. М. Школьников, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников, юбилей тантаналарида қатнашиш учун келган делегацияларнинг аъзолари кутиб олдилар.

Кутиб олганлар орасида республика, шаҳар партия ташкилотлари ва совет органларининг, Грузия ССР министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, Грузия Компартияси Абхазия, Ажария ва Жанубий Осетия область комитетларининг секретарлари бор эди.

Республика пойтахтининг минг-минглаб меҳнаткашлари аэродромда, шаҳар кўчаларида ўртоқ Л. И. Брежневни қизғин табрикладилар.

* * *

Шу самолётда қаҳрамон шаҳар Москванинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин бошчилигидаги делегацияси, шунингдек, СССР Қуролли Кучларининг СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко бошчилигидаги делегацияси ҳам Тбилисига келди. (ТАСС).

ГРУЗИЯДАГИ ТАНТАНАЛАРДА ҚАТНАШИШ УЧУН

Грузия Совет Социалистик Республикасининг ва Грузия Коммунистик партиясининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Ўзбекистон делегацияси Тбилисига келди. Делегацияга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилик қилади. Делегация составида Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобоназаров, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Л. П. Казанцева, Сирдарё областидаги 28-«Самарқанд» совхозининг директори И. Холматов ўртоқлар бор. (ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ

12 май куни Совет Армияси марказий уйида бўлиб ўтган учрашувда Туапсе, Новороссийск, Керчь учун бўлиб ўтган жангларнинг қаҳрамонлари, Украина, Польша, Венгрия, Чехословакияни озод этишда қатнашган кишилар ҳозир бўлишди. Улар мамлакатнинг турли жойларидан келишган эди.

18-армия ветеранларининг ғалаба куни муносабати билан Москвада ўтказиладиган учрашувлари кўпдан бери одат бўлиб қолган. Ўтган йили бўлгани каби бу сафар ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ўзининг жанговар дўстлари даврасига келди. Ветеранлар ўртоқ Л. И. Брежневни самимий кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев уруш йилларида 18-армиянинг Новороссийскдан Прагагача босиб ўтган бутун қаҳрамонона йўлида шу армиянинг солдатлари ва офицерлари билан бирга бўлган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг уруш ветеранлари билан учрашуви самимий, гоят завқли бўлди. КПСС XXIV съездининг делегати, слесарлар бригадири, 107- ўқчи бригадасининг собиқ разведкачиси Д. Г. Рогачев КПСС Марказий Комитетининг партия съездида қилинган ҳисобот докладида фронтчилар тўғрисида яхши сўзлар айтганлиги учун ўртоқ Л. И. Брежневга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди. Учрашув вақтида 18- армиянинг собиқ командири, генерал-полковник А. И. Гастилович, 83-ўқчи дивизиянинг собиқ командири, эндиликда армия генерали А. А. Лучинский, 17- ўқчи корпуси сиёсий бўлимининг собиқ бошлиғи генерал-лейтенант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. С. Демин, 107-ўқчи бригада сиёсий бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Н. Копенкин, 18- армия сиёсий бўлими бошлиғининг ўринбосари С. С. Пахомов ва бошқалар ўз эсдаликларини гапириб бердилар.

Учрашув пировардида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзга чиқди. Л. И. Брежнев шу учрашувга таклиф қилганликлари учун уларга самимий миннатдорчилик билдирди, партия XXIV съездининг иши ва унинг тарихий қарорлари тўғрисидаги ўз фикрларини ўртоқлашди. (ТАСС).

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

БУДАПЕШТ ШАҲРИ.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Ассамблеяси қатнашчиларини чин кўнгилдан қутлайман.

Тинчлик тарафдорлари ҳаракати ягона ва мўътабар мақсад йўлида — халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, империализмнинг агрессив кучлари кирдикорларига актив қаршилик кўрсатиш учун бирлашган. Шу мақсадга эришиш учун жаҳон жамоатчилигининг кенг доираларини жипслаштириш, урушга қарши бўлган барча тинчликсевар кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида Жаҳон Тинчлик Кенгаши қилаётган ишларни совет кишилари юксак баҳолайдилар.

Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципларга содиқ бўлган Совет Иттифоқи тинчликни актив ҳимоя қилиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Тинчликни таъминлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг яқинда бўлиб ўтган КПСС XXIV съезди эълон қилинган программасида бу нарса ўзининг ёрқин ифодасини топди. Шу программада ўртага қўйилган таклифлар халқаро вазиятни тўбдан соғломлаштиришнинг реал йўлини очиб беради, бутун тинчликсевар инсоннят манфаатларига хизмат қилади.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг куч-ғайратлари туфайли, барча тинчликсевар халкларнинг куч-ғайратлари туфайли бир қанча актуал халқаро проблемаларни ижобий ҳал этиш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда. СССР билан ГФР ўртасида, Польша билан ГФР ўртасида шартномалар тузилганлиги, хавфсизлик масалаларига бағишланган Умумевропа Кенгашини чақириш ғояларини тобора кўп давлатлар қўллаб-қувватлаётганлиги, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги ҳамда космосда, денгиз ва океанлар тубида ядро қуроли жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги шартномалар кучга кирганлиги ана шундан далолат беради.

Империалистлар, мустамлакачилар ва реакционерлар ўзларининг халққа қарши қаратилган ғаразли мақсадларига эришмоқ учун бир восита сифатида доимо урушдан фойдаланадилар. Совет Иттифоқи эса империалистларнинг ҳужумларига дучор бўлган халқларни қатъият билан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Совет халқи американлик интервенцилчиларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган Ҳинди-Хитой халқларига, Исроил босқинчилари агрессиясига қарши курашаётган Араб мамлакатларининг халқларига, ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашаётган ҳамма халқларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб келмоқда.

Урушнинг мавжуд ўчоқларидаги алангани ўчириш ва агрессорларни жиловлаб қўйиш, янги жаҳон уруши хавфини йўқотиш учун барча тинчликсевар ва тараққийпарвар кучларнинг ғайрат-ҳаракатларини бундан бўён ҳам бирлаштириш зарур. Тинчлик йўлидаги ҳаракатни қатъият билан кенгайтириш ва активлаштиришни, бу ҳаракатда тинчлик учун курашаётган ёшларни, хотин-қизларни, касаба союзларини ва бошқа ташкилотларни тобора кўпроқ оммавий равишда қатнаштиришни вазиятнинг ўзи талаб қилмоқда.

Социалистик Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида очилаётган Жаҳон Тинчлик Кенгаши Ассамблеясининг иши самарали бўлади ҳамда барча тинчликсевар кучларни янада жипслаштиришга, уларнинг ҳаракатларини активлаштиришга хизмат қилади, халқаро кескинликни юмшатиш учун, жаҳон жамоатчилигини ҳаяжонлантириб турган проблемаларни одилона ва тинч йўл билан ҳал қилиш учун олиб борилаётган курашга янги муҳим ҳисса қўшади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Ассамблея қатнашчиларига, барча тинчлик тарафдорларига халқлар тинчлиги, хавфсизлиги, эркин ва мустақил ривожланиши иши учун, бутун инсониятнинг тараққиёти ва бахтли келажаги учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Н. ПОДГОРНИЙ.

ЮКСАК ИШОНЧ

ОКРУГ САЙЛОВ ОЛДИ КЕНГАШЛАРИДА

Наманган областидаги 240-Чуст сайлов округи меҳнаткашлари коллективлари вакилларининг округ сайлов олди кенгашида Чуст пахта тозалаш заводи коллективининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Назар Маткаримович Матчоновни республика давлат ҳокимиятининг олий органига депутатликка номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Округ сайлов олди кенгашининг қатнашчилари бу таклифни бир овоздан маъқуладилар ва **Назар Маткаримович Матчоновдан 240-Чуст** сайлов округидан овозга қўйиш учун розилик беришини илтимос қилдилар.

Бухоро областидаги 167-Охунбобоев сайлов округи меҳнаткашлари коллективлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди. Қоракўл район Киров номли колхоз аъзоларининг Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Нормахонмади Жўраевич Худойбердиевни республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашга қарор қилинди.

Йиғилиш аҳли кўрсатилган номзодни маъқуллаб, **Нормахонмади Жўраевич Худойбердиев**га **167-Охунбобоев** сайлов округидан овозга қўйилиши учун розилик беришини сўраб мурожаат қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Сурхондарё областининг 321-Темир йўл сайлов округи меҳнаткашлари коллективлари вакилларининг округ сайлов олди кенгашида Термиз темир йўл станцияси коллективининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари Владимир Григорьевич Ломоносовни республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Кенгаш қатнашчилари **Владимир Григорьевич Ломоносов**дан **321-Темир йўл** сайлов округидан овозга қўйилишига розилик беришини сўрашга яқдиллик билан қарор қилдилар.

Чирчиқдаги машинасозлар маданият саройида 64-Ленин сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди. «Ўзбекхиммаш» заводи касаба союз комитетининг раиси Н. Шарипов ушбу корхона коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Иван Георгиевич Анисимкинни шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатганлигини айтди.

Кенгашда сўзга чиққанларнинг ҳаммаси бу таклифни қизғин маъқуладилар. Йиғилиш аҳли **Иван Георгиевич Анисимкинга** мурожаат қилиб, **64-Ленин** сайлов округидан овозга қўйиш учун розилик беришини сўради.

14- Темир йўл сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди. Бу округда Октябрь Революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг коллективи ўзининг сайлов олди йиғилишида илғор ишчи Абдуллажон Султонмуродовни Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, **Абдуллажон Султонмуродовга** мурожаат қилиб, **14-Темир йўл** сайлов округидан овозга қўйиш учун розилик беришини сўрадилар.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР

Ўзбекистонда республика Олий Советининг депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишлари баланд руҳ билан давом этмоқда.

Тошкентда республика Олий Советининг депутатлигига қуйидагилар номзод қилиб тавсия этилди: 37-Сельмаш сайлов округидан «Ташсельмаш» заводининг фрезерчиси **Малоҳат Ҳамидова**, 30-Қорақамиш сайлов округидан В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг ректори **Тошмуҳамад Алиевич Саримсоқов**, 48-Чопон-

(Давоми 3-бетда).

ҚАРДОШЛАРЧА ҚУТЛОВ

Шонли сана — Чехословакия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ЧКП Марказий Комитетига мактуб йўллади. Мактубда Совет коммунистлари, мамлакатимизнинг барча халқи номидан Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳамма коммунистлари ва меҳнаткашлари сидқидилдан, қардошларча қутланди.

Чехословакия Коммунистик партияси, дейилади мактубда, Улуғ Октябрь социалистик революцияси бутун дунёда қўзғаган кучли революцион ҳаракат кўтарилиши даврида вужудга келди. В. И. Ленин ва Коммунистик Интернационал ЧКП-нинг бунёдга келишида Чехословакия революционерларига катта ёрдам кўрсатди.

Компартиянинг тузилиши Чехословакия ишчилар ҳаракати ривожланишида, бутун мамлакат тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. ЧКП ленинизмни ижодий тарзда эгаллаб боргани ҳолда, пролетариатнинг синфий душманларига қарши, оппортунизм ва миллатчиликка қарши қатъий курашда ленинча типдаги партия бўлиб шакланди.

Гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган ғалаба омма активлигини жўшқин юксалтирган бир вазиятда, дейилади сўнгра мактубда, Чехословакия Коммунистик партияси миллий-демократик революцияни амалга ошириш ва уни социалистик революцияга айлантириш учун ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг курашига моҳирлик билан раҳбарлик қилди.

1948 йилнинг февралида реакция устидан қозонилган ғалабада Чехословакия Компартиясининг юксак сиёсий етуклиги ва революцион чиниққанлиги намоён бўлди. Бу ғалаба меҳнаткашларнинг социализм сари боришига кенг йўл очиб берди. Чехословакия коммунистларининг раҳбарлиги остида мамлакатда туб социал иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди, экономика ва маданиятни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини юксалтиришда катта-катта муваффақиятларга эришилди. Социалистик Чехословакия жаҳондаги илғор, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига кирди. Чехословакия социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Чехословакия Коммунистик партияси халқаро коммунистик ҳаракатнинг актив отряди бўлгани ҳолда, барча қитъалардаги коммунистларнинг ҳаракатлари бирлиги учун, Европада ва бутун дунёда халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун сабот—матонат билан кураш олиб бормоқда.

Совет коммунистлари, деб таъкидланади мактубда, Чехословакия коммунистлари жиддий сиёсий танглиини енгиб ўтиб, мамлакатда партиянинг раҳбарлик ролини ҳамда ўз сафларининг марксча-ленинча принципларидаги бирлигини тиклаб, ижтимоий ҳаётда, халқ хўжалигини ривожлантиришда аҳволни нормаллаштиришга эришганликларидан самимий хурсанддирлар.

Совет Иттифоқи билан Чехословакия коммунистлари ва меҳнаткашларини бузилмас дўстлик, тарихий тақдирларнинг муштаҳклиги, социализм ва коммунизм ишининг тантанаси учун курашда мақсадларнинг бирлиги боғлаб туради. Чехословакия коммунистлари, меҳнаткашларининг бизнинг мамлакатимиз билан интернационал бирдамлиги Клемент Готвальд айтган «Совет Иттифоқи билан абадул-абад биргамиз!» деган шиорда яққол ифодаланган.

Чехословакия Коммунистик партиясининг ярим асрлик юбилейини сиз билан биргалиқда байрам қилиб, дейилади мактубнинг пировардида, социалистик жамиятнинг бундан буёнги ривожланишида барча коммунистларга ва бутун чехословак халқига катта-катта муваффақиятлар тилаймиз. ЧКПнинг бўлажак XIV съезди Чехословакияда социализм позицияларини мустаҳкамлаш йўлида янги муҳим босқич бўлади, деб ишонамиз. (ТАСС).

ГУЛЛАБ ЯШНАЁТГАН ДИЁР



Чапдаги суратда Ингури ГЭСи қурилиши ва ўнгда эса республиканинг бойлиги ҳисобланган «Қора олтин» майдони тасвирланган.

Г. Кикнадзе ва С. Тевзидзе фотолари. (ТАСС).

МЕТРОНИНГ ЯНГИ ТРАССАСИ

Давлат комиссияси 10 май куни Тбилиси метроси биринчи навбатининг охирги участкасини фойдаланишга қабул қилиб олди. Республика ва Грузия Коммунистик партиясининг ярим асрлик юбилейи арафасида «Тбилтоннельстрой» қурувчилари «Исани» ва «Самгори» станциялари бўлган трассани барвақт битказиб топширдилар.

Бу линия 26 Комиссар номли катта саноат районини шаҳарнинг маркази билан боғлади. Тбилиси метроси линияларининг узунлиги ўн икки километрдан ошиб кетди.

Бугун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг раиси Г. С. Дзоценидзе ва республика Министрлар Советининг раиси Г. Д. Жавахишвили «Исани» ва «Самгори» станцияларини кўриб чиқишди.

ПОРЛОҚ ЙЎЛ

Г. ЖАВАХИШВИЛИ

Грузия ССР Министрлар Советининг раиси

◆ ◆

Грузин халқи Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг ва Грузия Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 50 йиллигини тантанали нишонламоқда.

Қадимий Грузия диёрида бундан ярим аср муқаддам Улуғ октябрь байроғи кўтарилди. Бу эллик йиллик ўзининг моҳияти, воқеаларга бойлиги, ижтимоий ҳаётда сифат жиҳатидан олдинга қадам қўйилишига қараб баҳо берилганда Грузия халқининг социалистик камолот, грузин миллатининг экономика ва маданиятининг равнақ топиш даври бўлди.

Республика меҳнаткашлари нурли байрамни КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари туфайли умумхалқ ғайрати жўш урган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. Коммунистик қурилишнинг съезд белгилаб берган улуғвор истиқболлари барча совет кишиларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда.

Халқимизнинг коммунистик партия раҳбарлигида босиб ўтган порлоқ йўли халқлар социалистик қурилиш шароитларидагина сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт жиҳатидан мисли кўрилмаган даражага кўтарила олишини яна бир марта яққол кўрсатади. Чет эл империалистларидан мадад олиб турган меҳшевикларнинг буржуа-миллатчи ҳукуматини совет Россиясининг ёрдами билан каҳрамонона кураш туфайли ағдариб ташлаган грузин ишчилари, деҳқонлари, зиёлилари янги ҳаёт қуришга дадил киришдилар.

В. И. Ленин 1921 йил 14 апрелда Кавказ коммунистларга йўллаган тарихий мактубида ўлкани социалистик асосда қайта қуриш йўлларини кўрсатиб берди. Грузия меҳнаткашлари Ильич гоялари ва васиятларини рўёбга чиқара бориб, шунга эришдиларки, республика саноати ва қишлоқ хўжалиги 1925—1926 йиллардаёқ 1913 йил даражасига эришди, айрим соҳаларда эса ундан ҳам илгарилаб кетди.

Грузия урушдан аввалги беш йилликлар мобайнида СССР халқларининг қардошлик оиласида Ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилиши туфайли Россия империясининг чекка қолоқ ўлкасидан ривож топган индустриал-аграр республикага айланди. Бу ерда оғир ва енгил саноатнинг бир қанча янги тармоқлари вужудга келтирилди, кўпгина корхоналар бутунлай қайта реконструкция қилинди, ҳозирги замон техникаси билан қуроллантирилди. Колхоз тузуми деҳқонларни асрий қашшоқлик ва мухтожликдан қутқарди.

Мамлакатни индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий инқилобни амалга ошириш Ленин режасининг рўёбга чиқиши натижасида грузин халқи барча халқлар билан биргаликда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида мамлакатимизда социализм қуриш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Совет қишлоларнинг осойишта меҳнати фашистлар Германиясининг ҳиёнаткорона ҳужуми натижасида бузилгач, грузин халқи улуғ Ватанимизнинг барча халқлари билан биргаликда манфур душманга қарши курашга отланиб, социалистик ватанга чексиз садоқатли эканлигини кўрсатди. Улуғ Ватан урушида грузинлардан қариб 700 минг киши ёки республика аҳолисининг бешдан бир қисми иштирок этди. Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган курашларда грузин жангчилари кўрсатган довюраклик ва қаҳрамонликка қарши, ҳукуматимиз юксак баҳо бердилар. Грузиянинг мард фарзандларидан 136 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, минг-минглаб кишилар ССР Иттифоқи орденлари ва медаллари билан тақдирланди. Республика қишлоқ хўжалиги қиска вақт ичида ҳарбий шароитга мосланиб, фронтга катта ёрдам берди.

Урушдан кейинги беш йилликларда республика экономикаси гуркираб ривож топди. Рустави металлургия ва Кутаиси автомобиль заводлари сингари гигантлар, кўпдан-кўп химия, электроника, приборсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари ва саноатнинг бошқа тармоқлари худди мана шу давр мобайнида ишга туширилди.

Бизнинг халқ хўжалигимиз саккизинчи беш йилликнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида, жумладан Ленин юбилейи йилида айниқса катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари тўхтовсиз юксалганлиги, халқ турмуш даражасининг мунтазам равишда ортганлиги шу даврдаги тараққиётнинг ўзига хос белгилари бўлди. Республикадаги саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 54 процент ўсди. Айни пайтда йиллик ўртача ўсиш суръати аввалги беш йилликдаги 7 процент ўрнига 9 процентни ташкил этди. 1970 йилнинг охирига келиб республикада саноат маҳсулоти 1913 йилга нисбатан 85 баравар кўпайди.

Ҳозирги вақтда Грузия чўян, пўлат, прокат, қудратли магистрал, электровозлар, юк автомобиллари сув ости қанотли тезюрар кемалари, электр двигателлари, минорали кранлари, металл қирқадиган мураккаб станоклар, аниқ приборлар, ҳисоблаш машиналар, электр пайванд асбоблари, пластмассадан ясалган буюмлар, халқ истеъмол қиладиган турли-туман товарлар ишлаб чиқармоқда. Озиқ-овқат саноати катта салмоққа эгадир. Бу тармоқ республикадаги бутун саноат маҳсулотининг 40 процентини беради. Хушбўй грузин чойи, марказий ва ошхона винолари, коньяк, шампанский, консерва, тамаки мамлакатимиздагина эмас, ундан анча олис-олисларда ҳам серҳаридордир. Саноатимизнинг маҳсулоти жаҳондаги 70 мамлакатга чиқарилмоқда.

Грузия мамлакатни қимматли техника ва субтропик экинларининг маҳсулотлари, чой, узум, мева, эфир-мой ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлайдиган кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги республикасига айланди.

Халқимиз асрлар мобайнида токни меҳр-муҳаббат билан парвариш қилиб, ток зангини ўстириш агротехникаси ва грузин шаробларини ишлаб чиқариш технологиясини яратди. Бизнинг замонамизда узумчилик ва виночилик республика халқ хўжалигининг йирик соҳасига айланди. Совет ҳокимияти йилларида токзорлар икки баравардан ҳам зиёд кўпайди. Асрлар мобайнида тўпланган тажриба республика ўзининг юксак таъми жиҳатидан бошқалардан фарқ қиладиган мусаллас ва ярим ширин вино, коньяк, шампанский ишлаб чиқариш имкониятини берди. 64 минг гектардан ортиқ чойзор республиканинг бойлиги. Совет ҳокимиятининг чой конидир. Республика Совет Иттифоқида етиштириладиган чойнинг 95 процентини беради. Ўтган беш йилликда давлат 1155 минг тонна — аввалги беш йилликдагига нисбатан 115 минг тонна кўп чой барги олди.

Грузия чойзорларининг меҳнатчилари КПСС XXIV съезди ишлаб турган кунларда КПСС XXIV съездининг тўққизинчи беш йиллик план Директиваларида кўзда тутилган 285 минг тонна ўрнига 1975 йилда 300 минг тонна чой барги теришнинг мажбуриятини олишди.

Республикада қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари — дон етиштириш, сабзавотчилик, чорвачилик ҳам уйғун равишда ривож топмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида юз берган жуда катта ўзгаришлар натижасида республика шаҳарларининг, биринчи навбатда унинг пойтахти қадимий Тбилисининг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Тбилиси метрополитени, баланд иморатлари ва бошқа ажойиб иншоотлари билан ҳозирги замоннинг обод шаҳрига айланди.

Партия билан ҳукумат халқ моддий фаровонлигини ошириш, меҳнаткашлар сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида меҳрибонлик қилмоқдалар. Грузия аҳолига медицина хизмати кўрсатилиши жиҳатидан жаҳонда энг биринчи ўринларни эгаллайди. Грузиянинг кўпдан-кўп шифобахш минерал сув манбалари. Қора денгиз соҳилининг юмшоқ иқлими, турли туман тоғ иқлими, бальнеологик, денгиз суви ва балчиқ билан даволайдиган ажойиб курортлари унга бутуниттифоқ шифохонаси, деган шуҳрат келтирди.

Колхоз қишлоғи қиёфасининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзгариб кетганлиги деҳқонларнинг ўзларини ҳам ўзгартириб юборди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут астасекин йўқолиб бормоқда шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам уйжой қуриш тез суръатлар билан бормоқда. Совет давлатининг халқ турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрлиги аҳолига маиший хизмат кўрсатишни кенгайтиришда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Кейинги беш йилликдагина бу соҳада пулли хизмат кўрсатиш ҳажми шаҳарларда икки баравардан зиёдроқ, қишлоқда уч баравар кўпайди.

Қадимий юксак маданият, ўзига хос поэзия ва архитектура мамлакати бўлган Грузияда Совет ҳокимияти йилларида халқнинг маънавий ҳаётини — маориф, фан, санъат ва адабиётни зўр бериб ривожлантириш учун ғоят қулай шароит вужудга келтирилди. Республикамизда беш мингдан ортиқ умумий таълим ва махсус ўрта ўқув юртлари борки, буларда бир миллиондан ортиқ бола таълим олмоқда. Грузияда революциягача қадар бори-йўғи биргина университет бўлса, эндиликда республиканинг 18 олий ўқув юртида 90 мингдан зиёдроқ йигит-қиз фан ва техниканинг барча ҳозирги замон тармоқлари бўйича билим олиб, мутахассис бўлишга тайёргарлик кўрмоқда...

Фан анчагина ривож топди, миллий кадрларни вужудга келтириш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. 900 дан зиёд фан доктори ва 5 мингдан зиёд фан кандидати илмий-тадқиқот ишларини самарали давом эттирмоқда. 1941 йилда республикада тузилган фанлар академияси илмий тафаккурнинг чинакам маркази бўлиб қолди. Грузия олимлари мамлакат фан-техника тараққиётига, катта ва муҳим илмий проблемаларни ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Асарлари кенг халқ оммаси орасида машҳур ёзувчилар, шоирлар, композиторлар, рассомлар, театр, кино арбоблари грузин ва бутун совет маданияти ривожига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Абхазия ва Ажария автоном республикаларининг ҳамда жанубий Осетия автоном областининг халқ хўжалиги ва маданияти юксак суръатлар билан ривож топмоқдаки, булар ҳам Грузия ССР Совет ҳокимияти йилларида эришган муваффақиятларнинг ажралмас, узвий қисмидир.

Эришилган бу ютуқларнинг ҳаммаси қаҳрамон ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, халқ зиёлиларининг фидокорона меҳнати натижаси бўлиб, унга партия ва ҳукумат юксак баҳо бердилар. Грузия ССР хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган катта муваффақиятлари учун икки марта Ленин ордени билан мукофотланди.

Янги беш йиллик республика олдида янада порлоқ истиқболларни очиб беради. Янги беш йиллик Грузияни янги иқтисодий юксалиш, ишлаб чиқарувчи кучларининг янги равнақ топиш даври, халқ моддий фаровонлиги ва маданиятини янада тезроқ ўстириш даври бўлади.

Грузия халқининг Совет Иттифоқидаги барча социалистик миллатлар билан йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги ва ўзаро ёрдами бундан кейинги қўлга киритадиган муваффақиятларининг гаровидир. Бу дўстлик ва ўзаро ёрдам бутун совет халқи сингари Грузия меҳнаткашларини коммунизм ғояларининг тантанаси йўлида янги зафарларга илҳомлантирувчи буюк қучдир.

Республика меҳнаткашлари тарихий эллик йиллики коммунистик қурилишда янги-янги муваффақиятлар билан қутиб олмоқдалар. Марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи остида астойдил жипслашган Грузия Ленин партияси раҳбарлигида Совет Иттифоқи халқлари билан биргаликда меҳнат ғайрати ғоят жўш урган бир вазиятда янги ғалабалар сари отланди. Грузин халқининг бу ғайрати Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съезди томонидан мамлакатимиз олдига қўйилган улуғвор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришга қаратилгандир.

(ТАСС).

* *

Суратда: Чўпон. (ТАСС фотохроникаси).

ЖАҲОНДАГИ ОЛДИНГИ ЎРИНЛАРДА

Грузия соғлиқни сақлаш ходимларининг кўп минг кишилик армияси Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг, Грузия Коммунистик партияси ташкил топганлигининг шонли эллик йиллигини катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Ҳозирги кунда республикада 600 га яқин касалхона, 47 та туғруқхона, 1463 та поликлиника ва амбулатория, 120 та диспансер, 70 та тез ёрдам станцияси, 90 та санитария-эпидемиология станцияси, 60 та дорихона ва шу кабилар ишлаб турибди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражаси бўйича Грузия жаҳондаги олдинги ўринларнинг бирини олиб турибди.

Совет Грузиясида халқ соғлиғини сақлаш ташкил этилган кундан бошлаб, медицина кадрлари тайёрлашга ғоят катта аҳамият берилмоқда. Ҳозир республикада 17.400 нафар врач ишлаб турибди. Бу — Грузиядаги врачлар Финляндия, Швеция, Эрон мамлакатларининг ҳаммасидагига қараганда ҳам кўп эканлигини кўрсатади. Ривожланган капиталистик мамлакат Японияда ҳар беш минг кишига бир врач ва бир медицина ходими тўғри келса, Грузияда ҳар беш минг кишига 19 нафар врач ва 42 нафар ўрта медицина ходими хизмат кўрсатмоқда.

22 та илмий тадқиқот институти, Тбилиси медицина институти ва Тбилиси врачлар малакасини ошириш институти республика меҳнаткашлари соғлиғини сақлашнинг жуда муҳим илмий проблемаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Врачлар малакасини ошириш институтида Совет Иттифоқининг ҳамма томонидан келган 32 минг нафардан кўпроқ врач ўқиб, малакаларини оширдилар. Республикада илмий медицина ходимларининг ҳаммаси эса икки минг кишига етади.

Грузиянинг медицина олимлари жуда кўп проблемаларни жумладан, қариш жараёнида юрак ва бошқа органлар ферментатив системаларининг хусусиятлари, аорта, юрак ва қалқонсимон без функционал ҳолатининг ўзгаришлари ва атеросклероз шароитида шу органлардаги морфологик силжишлар, стрептококли инфекция шароитида юрак мушакларининг иммунологик хусусиятлари, юрак-томир системасининг паторфизиологияси; ёмон шишлар, эпидемик ва инфекцион жараённинг умумий қонуниятлари сингари проблемаларни ишлаб чиқмоқдалар.

Ҳозирги замон совет кардиология фани илмий тадқиқотларнинг натижаларини амалда қўлланиш миокардинфаркти сабабли ўлишни 17 баравар камайтиришга имкон берди. Клиник ва экспериментальхирургия илмий-тадқиқот институтида қўкрак хирургияси борасида катта самарали ишлар қилинмоқда. Бу институтда СССРда катта медицина кибернетикаси бўлими ташкил этилди.

Медицина фани мана шундай ривожланганлиги ва унинг муваффақиятлари амалда жорий қилинганлиги республикада юксак даражада малакали ва ихтисослаштирилган медицина ёрдами кўрсатишни ташкил этишга имкон берди. Бу ишни ривожлантириш зарурлиги КПСС XXIV съездининг янги беш йиллик планига доир Директиваларида ҳам кўрсатиб ўтилган.

ТАБИИЙ ФАНЛАР РИВОЖИ

Ленин мукофоти ва Нобель мукофотининг лауреати, Квант генераторларнинг яратувчиларидан бири, академик Н. Басов Грузия олимлари табиий фанларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар, деди. У Грузия ССР билан республика Компартиясининг 50 йиллигини байрам қилишда қатнашмоқ учун Тбилисига келган.

Масалан, эластикликнинг математик назарияси ва назарияларнинг механикада тадқиқ этилиши тўғрисида, суюқ гелийнинг ғоят оқувчанлиги билан боғлиқ проблемалар, физик кибернетика ва оптоэлектроника ҳамда бошқа қатор соҳалар ҳақида гап борадиган бўлса, Грузияни эсламасликнинг иложи йўқ, деди академик.

Мен, деб давом қилди Басов, физик сифатида грузин олимларининг мана шу соҳага қўшган энг салмоқли ишлари тўғрисида гапириб берай. Республикада юқори энергияли космик нурлар ва зарралар физикаси юксак даражага эришди. Элементар заррачаларнинг бошқа заррачалар ва атом ядроси билан ўзаро таъсирини ўрганиш учун Грузия тоғларида СССРда энг кучли станциялар ишлаб турибди.

Бу ерда яратилган методлар ёрдамида нуклочларнинг динамик ва структура хоссаларига оид муҳим натижалар олинди. Грузия Фанлар академиясининг физика институтида ишлаб чиқилган учун камералар космик нурлар физикасида ва жаҳондаги кўпгина тезлатгичларда қўлланилмоқда.

Грузия олимлари, деди Басов, атом реакторида паст температурали установкалар яратишга муваффақ бўлдилар-ки, уларнинг ёрдамида реакторнинг актив зонасига совуқлик киритилади. Паст температура билан кучли нейтрон оқими бир вақтда таъсир кўрсатиб турган шароитларда тадқиқ этилаётган кристалл намуналарнинг физик хоссалари бирданига ўзгариб кетади. Ана шундай шароитларда, масалан, олминдан зўриқтирилган базъя кристаллар пишиқлик ва пластикликни икки-уч баравар оширади.

Тбилиси университети физикларининг қилган ишлари (улар моддининг ғоят юпқа структурасини тадқиқ этиш методини яратганлар) магнит радиоспектроскопияда янги йўналиш очиб беради. Геофизикларнинг ишлари ҳам унумли бўлмоқда. Республикада геофизиклар кўрсатган метод билан ярим миллион гектар ер дўлдан ихоталанмоқда.

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНАДИ

ТАСС фотохроникасида Грузия Телеграф Агентлиги фото мухбирларининг ишларидан ташкил топган кўрик очилди. Улар фотоларини ўз республикаларининг шонли 50 йиллигига бағишладилар. Кўрикка юзга яқин фотосуратлар қўйилган.

Суратларда республиканинг бой табиати, Грузия шаҳар ва қишлоқларининг қадимий архитектура ёдгорликлари ҳамда Қора денгиз бўйларида жойлашган оромбахш курортларнинг ажойиб кўринишлари акс эттирилган. Шунингдек, ўлкани гуллатиб-яшнатиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган фидокор кишилар билан танишиш мумкин.

ГрузТАГнинг фотомухбирлари республиканинг йилномасини зўр муҳаббат ва иштиёқ билан яратганлар. Экспозициядаги суратлардан Грузиянинг меҳнат, халқ хўжалиги планларини муваффақиятли равишда бажараётган юқори маданият республикаси эканлигини билиб оламиз. Фотосуратлар Руставининг катта химияси, металлургиясини, Ингури ГЭС қурилиши ва «қора олтин» етиштираётганлар ҳақида маълумотлар беради. Булардан ташқари чой етиштирувчиларга кўмаклашаётган қанотли ёрдамчилар, соҳибқорлар тўғрисидаги фотосуратлар ҳам муносиб ўрин олган. Кўрикдаги фото суратлар орасида ГрузТАГ ветеранларидан ташқари ёш фото ҳаваскорларнинг ишларидан ҳам кенг фойдаланилган.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ЯНАДА САМАРАЛИ БЎЛСИН

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кибернетика институти металл ишлаш жараёнларини оптимал бошқаришга доир ишлаб чиққан тавсиясини Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида жорий қилиш натижасида йилига икки минг сўмлик маблағ тежалди. Шу институтнинг олимлари. Тюмень областида табиий газ конларини қидираётган ва ишлаётган ходимлар учун зарур ҳисоб-китоб қилиб бердилар. Олимларнинг тавсиялари жорий қилинганлиги натижасида қўлга киритилган иқтисодий самара ўн миллион сўмдан кўпроқ маблағни ташкил этди. Фан билан ишлаб чиқариш алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатувчи бу мисолларни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов республика Фанлар академиясининг 11 майда Тошкентда ўтказилган умумий йиғилишидаги докладида айтиб берди.

КПСС XXIV съездининг ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съездининг қарорларини бажариш соҳасида олимлар олдида турган вазифаларга бағишланган шу йиғилишда республика олимларининг янги беш йиллиқдаги илмий изланишлари қандай асосий йўлдан бориши лозимлиги, халқ хўжалиги учун муҳим проблемаларни ҳал қилиш чоғида олимлар олдида турган конкрет вазифалар муҳокама қилинди.

Шу вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун илмий тадқиқотларнинг координация қилинишини яхшилаш зарурлиги йиғилишда уқтириб ўтилди.

Олимлар фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлатишнинг янги йўлларини қидириб топиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Академиянинг кибернетика ва химия институтлари қиммати ташаббус бошлаб берганлиги йиғилишда қайд этиб ўтилди. Шу институтларнинг олимлари Ўзбекистон рангли металлургияси маркази Олмалиқ шаҳрининг инженер-техник ходимларига ўзларининг илмий муваффақиятларини айтиб бердилар.

Олимларнинг министрликлар ва идоралар билан алоқалари кучайтирилмоқда. Республика Фанлар академияси олимларининг катта группаси Ўзбекистон Госстройига бориб, химия, механика ҳамда иншоотларнинг зилзилага бардош беришини ўрганувчи институтларнинг, сейсмология, физика-техника, ядро физикаси институтларининг эришган муваффақиятларини айтиб бердилар.

Республика олимлари, дейишди йиғилиш қатнашчилари, КПСС XXIV съездининг ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съездининг қарорларини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган мусобақада республикамизнинг кўплаб ишчилари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Суратларда юқоридан пастга Намангандаги шоён ва костюмбоп газламалар комбинатининг тўқувчиси Р. Мираҳмедов, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг ишчиси Х. Шомирзаева, Чирчиқ электрохимия комбинатининг фрезерчиси В. Гришин ва Тошкентдаги кабель заводининг ишчилари Г. Берсенева ва А. Туликов ўртоқлар смена топшириқларини мунтазам 120-140 процентдан адо этмоқдалар.

А. Тўраев фотолари.

СЕНАЖ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ

Чорва моллар учун озуқани сақлашнинг энг самарадор усулларидан бири — сенаж тайёрлашдир. Сенаж — далалардаги 50-55 процент миқдорда намга эга бўлган турли хил ўтларни чорва моллар учун консервалаш демакдир. Бунда ўсимликлардаги сув бактерияларни жуда оз ўтказади, микробиологик жараёнлар тўхатилади ва озуқанинг сақлаб қолиниши таъминланади.

Чорва молларга едиришга яроқли бўлган ўсимликларнинг барчасидан сенаж тайёрлаш мумкин. Бироқ беда ҳамда дуккакли экинлар витаминларга, оқсил ва бошқа тўйимли моддаларга бой бўлганлиги учун сенаж бостириш айниқса бопдир. Беда шоналаган пайтда ва шоналар гуллай бошлаган даврда ундан сенаж тайёрлаш айни муддао бўлади. Чунки бу давр сенаж бостириш учун жуда қулайдир.

Беда неча марта ўрилса ҳар бир ўримидан сенаж тайёрлаш мумкин. Траншеяларда сенаж бостириш пайтида уни яхшилаб зичлаш ва сув ҳамда ҳаво киришига йўл қўймаслик зарур. Сенаж иншоотлари силос иншоотларига нисбатан тахминан икки баравар тез қилиб қурилади. Сенаж иншоотларининг қуйидаги тахминий ўлчовини тавсия қилиш мумкин: кенглиги юқорига қараб 4,5-5 метргача, пастга қараб — 3,5-4 метргача ва чуқурлиги — 2,2 метрдан 2,5 метргача ҳамда узунлиги хўжаликнинг озуқага бўлган талабига қараб қазилади.

Сенаж тайёрлаш технологияси мана бундай: турли-туман ўтлар ўриб олинади, ғарам қилинади, ташилади, траншеяларга ётқизилади, сўнгра зичланади ва ниҳоят плёнкалар билан беркитилиб, усти тупроқ билан кўмилади. Ҳар хил ўтлардан сенажни майдаланган ёки майдаланмаган ҳолда, зичлаб ва зичламай бостириш мумкин. Сенаж тайёрлашда КС-2,6 силос ўриш комбайнлари мавжуд бўлган хўжаликларда ана шу агрегатлардан фойдаланган маъқул. Бунда агрегатнинг қирқувчи аппарати «СК-4» ғалла ўриш комбайнидаги подборщик билан алмаштирилади. Ана шу мослама билан ўт-ўланлар бир йўла йиғиштириб олинади, майдаланади ва тележкаларга юклатилади.

КИР-1,5 агрегатларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўрилган ўт-ўланлар ғарам қилиниб, сўнгра майдаланади. Ўтларни майдалайдиган подборщиклари бўлмаган хўжаликларда эса ўроқлардан, грабиллардан, юклаш агрегатлари ва бошқалардан фойдаланилади.

Беда ўрилганидан кейин унинг сўлиш муддатини қандай аниқлаш мумкин? Ёзнинг иссиқ кунларида ўрилган бедани ҳавонинг ҳароратига қараб 2-3 соат ва ундан ҳам кўпроқ вақт ичида далада қолдирса бўлади. Унинг сўлиш муддати 1,5-2 марта кўпаяди.

Сўлиган бедани транспортда ташиш учун пахта териш машиналари прицепларидан, бортли самосвал машиналаридан фойдаланиш лозим. Бунинг ҳаммасидан ПТС-4-887 ўзи юк ортадиган тележка анча қулайдир. Нега десангиз, бу тележкада ташилганида беда исроф бўлмайди.

Н. АЛЕКСЕЕВА,
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

В. ДАЛАКЬЯН,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

ЮКСАК ИШОНЧ

(Боши биринчи бетда).

ота сайлов округидан Ўзбекистон ССР алоқа министри **Темир Мақсудович Тўхтаев**, 46-Дўстлик сайлов округидан 153-қурилиш трестининг бўёқчиси **Мария Николаевна Маншина**, 34-Гаштекстильмаш сайлов округидан абразив буюмлар комбинатининг ишчиси **Валентина Михайловна Короткова**.

Тошкент областида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига қуйидагилар номзод қилиб кўрсатилди: 78-Искандар сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси **Носир Маҳмудов**, 104-Ниёзбоши сайлов округидан Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Холбиби Деҳқонова**, 71-Қизил Октябрь сайлов округидан пахта терими билан шуғулланувчи давлат махсус конструкторлик бюроси бошлиғининг ўринбосари **Павел Федорович Глазатов**, 95-Пахтаобод сайлов округидан Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхознинг раиси **Умри Ҳасанова**, 106-Эски Тошкент сайлов округидан Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари **Акрам Пўлатович Алимов**, 61-Металлургия сайлов округидан Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Виталий Борисович Арсентьев**, 89-Назарбек сайлов округидан «Саодат» журналининг редактори **Зулфия Исроилова**.

Қашқадарё области меҳнаткашлари коллективларининг сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига қуйидагилар номзод қилиб кўрсатилди: 211-Шаҳрисабз қишлоқ сайлов округидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Мукаддар Турсунов**, 212-Чоршанба сайлов округидан Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхознинг раиси **Ғани Бобоёров**, 187-Марказий сайлов округидан Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Иван Иосифович Головачев**.

Қорақалпоғистондаги сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига қуйидагилар номзод қилиб кўрсатилди: 454-Оҳунбобоев сайлов округидан Хўжайли районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси **Омангул Тойжонова**, 444-Мўйноқ сайлов округидан Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш министри **Абдуҳамид Қаюмович Қаюмов**, 449-Тўрткўл қишлоқ сайлов округидан Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхоз механизатори **Ўғилсапар Худойбердиева**, 443-Темир йўл сайлов округидан Қўнғирот район партия комитетининг биринчи секретари **Қурбонбой Абдиров**, 456-Чимбой шаҳар сайлов округидан Чимбой район партия комитетининг биринчи секретари **Ҳамидулла Жумамуродов**.

Самарқанд областида меҳнаткашлар коллективлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига қуйидагиларни номзод қилиб кўрсатди: 274-Комбинат сайлов округидан Каттақўрғон ёғ комбинатининг қадоқловчиси **Мусаллам Рустамова**, 279-Маркент сайлов округидан Нарпай районидаги «Победа» колхозининг аъзоси **Шафоат Суюнова**, 302-Қоратепа сайлов округидан Ургут районидаги «Правда» колхозининг аъзоси **Пардахол Намозова**, 276-Қорадарё сайлов округидан Самарқанд область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Михаил Николаевич Истомин**, 269-Жомбой сайлов округидан Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари **Карим Каримов**.

Фарғона области меҳнаткашлари коллективларининг сайлов олди йиғилишларида республика Олий Советининг депутатлигига қуйидагилар номзод қилиб кўрсатилди: 404-Қўқон сайлов округидан Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Раъногон Алимова**, 380-Маргилон сайлов округидан Фарғона область халқ контроли комитетининг раиси **Сотиболди Тоштемиров**, 363-Саноат сайлов округидан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг оператори **Роза Викторовна Азизова**, 384-Қуйбишев сайлов округидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат матбуот комитетининг раиси **Зиёд Исломович Есенбоев**, 373-Ёзёвон сайлов округидан Ўзбекистон ССР юстиция министри **Мамлакат Собировна Восиқова**, 377-Октябрь 40 йиллиги сайлов округидан Маргилон шойи комбинатининг тўқувчиси **Светлана Григорьевна Воробьева**, 400-Москва сайлов округидан Қўқондаги «Электромаш» заводининг слесари **Баҳодир Қорабоев**, 383-Файзиобод сайлов округидан Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари **Турсунали Мирзаматов**.

Сирдарё областининг сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига қуйидагилар номзод қилиб кўрсатилди: 332-Боёвут сайлов округидан Боёвут районидаги «3-Боёвут» совхозининг бригада бошлиғи **Мансут Решитов**, 349-Янгиер сайлов округидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сув хўжалиги бўлимининг мудири **Алексей Иванович Тихомиров**, 339-Зомин сайлов округидан Сирдарё область ижроия комитетининг раиси **Виктор Алексеевич Хайдуров**, 333-Ворошилов сайлов округидан Ворошилов районидаги Свердлов номли колхознинг механизатори **Абдулҳай Тошпўлатов**, 337-Хайробод сайлов округидан Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министри **Ҳаким Муҳиддинович Носиров**, 340-Зарбдор сайлов округидан Зомин районидаги 1-«Зомин» совхозининг механизатори **Тоғаймурод Бобоёров**.

Тошкент областида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишларида республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 54-Олтин топган сайлов округидан Олмалиқдаги В. И. Ленин номли кон металлургия комбинатининг директори **Мнайдар Рамазонович Рамазонов**, 59-Юбилей сайлов округидан Ангрен шаҳар ижроия комитетининг раиси **Николай Иванович Юрин**, 73-Оқ қўрғон сайлов округидан Оққўрғон районидаги Қуйбишев номли колхоз тракторчиси **Пўлат Деҳқонбоев**, 55-Қурилиш сайлов округидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети моддий-техника таъминоти бош бошқармасининг бошлиғи **Петр Васильевич Каймаков**, 66-Янгийўл шаҳар сайлов округидан Тошкент область касаба союзлари советининг раиси **Гавҳар Қодировна Ҳайдарова** кўрсатилди.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари коллективларининг сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 435-Мангит сайлов округидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг бош илмий секретари **Муҳаффар Зоҳидхонович Хомудхонов**, 452-Оржоникидзе сайлов округидан Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министри **Йўлдош Мамажонов**, 441-Халқобод сайлов округидан Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи **Адҳамбек Ғозиназаров** кўрсатилди.

Сурхондарё областида бўлиб ўтаётган сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 306-Бойсун сайлов округидан Сурхондарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Холиддин Тожиддинов**, 324-Ангор сайлов округидан «Талимарон» совхозининг сут соғувчиси **Хадича Абдураҳмонова**, 309-Анбарсой сайлов округидан республика «Ленин байроғи» газетасининг редактори **Абселям Ислямов**, 314-Москва сайлов округидан Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозининг раиси **Искандар Холматов**, 317-Дашнаобод сайлов округидан Сариосиё район партия комитетининг биринчи секретари **Ғафур Насриддинов**, 319-Жончекин сайлов округидан Сариосиё районидаги Калинин номли колхоз аъзоси **Ўлмасхон Абдураҳмоновна Ёрова** кўрсатилди.

Хоразм область меҳнаткашлари коллективларининг сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 428-Юқорибоғ сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Риҳси Сахибоев**, 431-Янгиариқ сайлов округидан Хоразм область ижроия комитетининг раиси **Раҳим Эшчонов**, 415-Навоий сайлов округидан Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари **Иван Петрович Дрижак**, 414-Гурлан сайлов округидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири **Махмуд Саидович Сандов**, 423-Охунбобоев сайлов округидан Қўшкўпир районидаги О. Қурбонов номли колхоз пахтачилик бригадасининг бригада бошлиғи **Собир Оллаберганов**, 425-Шовот сайлов округидан Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри **Павел Иванович Соколов** кўрсатилди.

Самарқанд областида бўлиб ўтаётган сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 265-Совхоз сайлов округидан — «2-Булунғур» боғдорчилик-виночилик совхозининг ишчиси **Ҳосият Шомуротова**, 298-Даштакиболо сайлов округидан Самарқанд районидаги «Комсомол» колхозининг аъзоси **Зуҳра Шоднева**, 291-Улус сайлов округидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили **Абдужаббор Абдураҳмонов**, 268-Қўйтош сайлов округидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири **Музаффар Муҳиддинович Хайруллаев**, 260-Темирйўл сайлов округидан Самарқанд темирйўл станциясининг бошлиғи **Илҳом Қорабоевич Икромов** кўрсатилди.

Қашқадарё областида бўлган сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 205-Муғлон сайлов округидан «Каршистрой» бошқармасининг бошлиғи **Ҳабибулла Абдумажитович Шоғазатов**, 207-Чироқчи сайлов округидан «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори **Мақсуд Қориев**, 201-Қорақум сайлов округидан «Қорақум» давлат наслчилик заводининг чўпони **Ўлжа Ганжиев**, 193-Қамаши сайлов округидан Суворов номли мактабнинг илмий бўлим мудири **Зинаида Александровна Французова** кўрсатилди. (ЎзТАГ).

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ

Туғилган кунига 650 йил тўлиши муносабати билан

ШАРҚНИНГ буюк шоири, тожик-форс адабиёти классиги, ғазал жанрининг улуғ бобокалони Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозийнинг дурдона асарлари шеърият мухлислари, кенг китобхонлар оммаси томонидан ҳамиша севилиб ўқилмоқда. Унинг ажойиб ижоди фақат Шарқдагина эмас, балки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида меҳру-муҳаббат билан тилга олинади.

ҲОФИЗ ЎЗИНИНГ шакардан ширин, тиғдай ўткир ва гўзал санамлар табассумидан латиф ғазаллари билан асрлар ва замонлар оша назм мухлисларининг дилида манзил тутиб, уларнинг тилида достон бўлиб келмоқда. Биринчи марта шоирнинг ғазаллари Европа ўқувчиларига XVII асрнинг ярмида лотинча таржимада тақдим қилинди. Бу таржима Томас Герберт ва Петро Делла Вилле қаламига мансубдир.

Шундан кейин Ҳофиз Шерозий ғазалларининг таржимасига инглиз шоирлари Уильям Жонс, Ричардсон Нотт ва Гор Оузли қўл урдилар. Хусусан австриялик машҳур шарқшунос Иозеф фон Гаммер томонидан қилинган таржима алоҳида қимматга эгадир. У 1812 йили «Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий девони» номи билан Штутгартда нашр этди. Шоирнинг иккинчи китоби бир йилдан кейин ўз мухлисларига тақдим этилди, Гаммер таржимасининг моҳияти — унинг асл маз-муунини тўлалигича сақлашдадир. Ҳофиз асарлари катта ғулғула солди. Ҳатто баъзи шоирлар унинг услубида ғазаллар ёза бошладилар. Аммо Ҳофиз билан уларнинг ғазаллари ер билан осмонча фарқ қиларди. Немис шоири Даумер 1846 йили 200 дан ортиқроқ ғазал ёзиб, «Ҳофиз» номи билан нашр этди.

Немис шоири Фридрих Боденштедт 1877 йили «Шерозлик сўз устаси» номи билан Ҳофизнинг ғазалларини ўқувчиларга тақдим этди. Унинг таржималари сифат жиҳатидан энг юқори баҳоланди. Беш марта устма-уст нашр этилиши ва Эрон адабиётшуноси Исо Шаҳобийнинг Фридрих Боденштедт таржимасига бағишлаб докторлик рисола ёзиши бунинг далилидир.

Ҳофизнинг Европада шуҳрат топишига буюк шоирлар В. Гюго, И. В. Гёте, Г. Гейне, Гюкарт ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Иоганн Гёте ҳатто унинг ғазаллари таъсирида «Ғарблик муаллифнинг шарқий девони» номи билан машҳур шеърлар яратди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида Ҳофиз Шерозий ғазаллари Прага ва Берлинда, Лейпциг, Лондон ва Кембрижда, София ва Римда, Париж ва Венада, Кёльн ва Стокгольмда ва Европанинг бошқа шаҳарларида таржима қилиниб, турли тилларда янграб келмоқда.

* * *

Абурайҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида Ҳофиз девонларининг турли даврларда кўчирилган нодир қўлёзмалари сақланмоқда. Улар орасида XV асрнинг охирларида кўчирилган ва 8310 номер билан сақланаётган нусха энг қимматбаҳо манба ҳисобланади. Тадқиқотчилар бу қўлёзмани Ҳофиз девонининг энг тўла нусхаси ҳисобланган, Британия музейида сақланаётган қўлёзмасидан қолишмаслигини таъкидлайдилар. Қўлёзмада Ҳофизнинг яқин дўсти, унинг асарларини тўплаб, девон шаклига киритган Муҳаммад Гуландомнинг сўзбошиси ҳам берилган.

Бундан ташқари, шу институтда «Девони Ҳофиз», «Девони Хожа Ҳофиз» номи билан XVI — XVII — XVIII — XIX асрларда кўчирилган 7 та қўлёзма, 1870 — 1916 йиллар орасида босиб чиқарилган 50 дан ортиқ нашри сақланмоқда. Туркистонда нашриёт ташкил этилгач, Ҳофиз девонлари Тошкент, Хива, Коғон тошбосмаларида бир неча марта нашр этилган. 1901 йилнинг ўзида Тошкент нашриёти шоир девонини тўрт марта босиб чиқарган.

Бизнинг совет давримизда Ҳофиз асарларини чуқур ўрганиш, таржима ва нашр қилиш, уни кенг халқ мулкига айлантириш учун кўп ишлар қилинди. Ҳофиз асарлари ўзбек тилида ҳам бир неча бор нашр этилиб ўқувчиларимизнинг севимли дурдонасига айланди. Шоирнинг кенг нишонланаётган 650 йиллик байрами — совет китобхонларининг катта шодиёнасидир.

ДОНОЛАР ҲОФИЗ ҲАҚИДА

◆ Ринду сармаст Ҳофизнинг шеърларини оригиналида мутолаа қилмоқ лаззатлироқдир, чунки унинг тили ғоятда ширин ва хушоҳангдир.

Ф. ЭНГЕЛЬС.

◆ Хожа Ҳофиз Шерозийнинг кўп шеърлари латиф ва матбўъ эрур ва баъзилари мўъжиза ҳаддигаче етган... Ҳофиз девонидан афзалроқ девон топилмас.

ЖОМИЙ.

◆ Ҳақиқат аҳлининг саркардаси ва сарафрози Хожа Ҳофиз Шерозийдир, анинг сирли ҳикматлари руҳулқудс анфосидан дарак берур.

НАВОИЙ.

◆ Эй, Ҳофиз! Сенинг сўзларинг абадият каби буюкдир, унинг аввалу охири йўқ эрур. Сенинг каломинг осмон гумбазидай ўзи алоҳида олам, ғазалинг матлаъдан мақтаъсигача бир хилдир, ҳамма сатрлари жамол ва камолнинг қиёмига етган. Бирор кун фалакнинг гардиши билан дийдорингга етмоқ насиб этса, эй, самовий Ҳофиз, ёлғиз сен билан ва сенинг ёнингда бўлиш, сен билан бирга бода ичиш ва сен каби ошиқ бўлиш орзуйимдир, чунки бу ҳаётимнинг фахри ва умримнинг манбаидир.

ГЁТЕ.

◆ Саъдий ва Ҳофиз асарларининг пинҳоний асрорига етгунимча шеърларимда кувончбахш жиҳатлар ва ҳаётдўстлик ҳиссиётлари кам учрарди.

ПУШКИН.

◆ Ҳофизнинг шеърлари ҳаётнинг ранговранг гуллари каби чиройли ва хушбўйдир, шоир кўрган ва эшитганларини фасоҳатли тил билан гўзал суратларда назм риштасига тортган.

ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

◆ Ҳофиз ғазални энг олий даражасига етказди. Унинг ғазаллари муҳаббат ва гўзалликнинг ҳаётбахш таронасидай бизнинг дунёмизда ҳам гулғула солади. Шеърнинг мўжизаси унга абадий умр бағишлади.

МАСЭ.

ҒАЗАЛЛАР

Келди маскиддан кеча майхона сори пиримиз,
Эй тариқат аҳли энди не бўлур тадбиримиз?
Биз муридлар қандайин сажда қилурмиз қиблага,
Сажда қилғай майфурўшлар хонасига пиримиз!
Жой олурмиз ҳаммамиз ҳам бир тариқат кунжидан,
Шул эрур бизнинг азалдан қисмату тақдиримиз.
Ақл агар билсайди дил зулф домида хушнудлигин,
Ақл эли девона бўлғайди кўриб занжиримиз.
Кашф этди бизга лутфидин янги оят гул юзинг,
Ул замондан лутфдан ўзга йўқ эрур тафсиримиз.
Кечаси дилдан олову оҳимиздан ўт чиқар,
Тошдайин қалбингга бир дам йўқми ҳеч таъсиримиз?
Оҳимиз ўқдай тешар гардунни. Ҳофиз, сўзлама,
Раҳм қил лоҳинга, билгин офати жон тийримиз.

* * *

Бир умр, майхона бурчи хонақоҳимдир менинг,
Пири майхўрлар ҳамеша қиблагоҳимдир менинг.
Тонг чоғи май бўлмаса ҳеч бир хатарли жойи йўқ,
Тонгдаги қилган фиғоним узрхоҳимдир менинг.
Шукр этурман, йўқ эрур шоҳу гадо бирла ишим,
Дўст даргоҳин гадоси подшоҳимдир менинг.
Масжиду майхонадан мақсад фақат дийдор кўриш,
Узга йўқ фикрим, худовандим гувоҳимдир менинг.
Остонанг бошга ёстиқ бўлдию бир тахт каби,
Офтобнинг тожу тахти таҳлягоҳимдир менинг.
Етмагунча то ажал тиғи бошимга, шубҳасиз,
Юз ўгирмақ эшигиндан чиқтиғоҳимдир менинг.
Носавоб ишларга йўқ, Ҳофиз, сенинг майлинг вале
Хушодоблиқдан дегинким: — бу гуноҳимдир менинг.

* * *

Лабларингнинг шарбатидан чиқмади комим ҳануз,
Лаъл жоминг орзусида бўш турар жомим ҳануз
Кеча ғорат бўлди диним икки зулфинг домида,
Ушбу савдода не тус олғай саранжомим ҳануз.
Янглишиб тунда Хутан мушки дедим зулфингни мен,
Тиғдайин ботгай сочинг қон сочғай андомим ҳануз.
Юзларингни шуъласин хилватда кўрди офтоб,
Тиғига бўлди нишона эшигу томим ҳануз.
Бир куни номимни тилга олди жонон янглишиб,
Барча ошиққа мисоли жон эрур номим ҳануз.
Лабларингнинг соқиси берди азалдан қатра май,
Кетмагай мастлар тилидан ному пайғомим ҳануз.
То бўлай ороми жонинг, ўт деднг, жон баҳридан,
Ғамларингга жонни бердим, йўқдир оромим ҳануз.
Ёзди, Ҳофиз, меҳр ила лаъли лабингнинг қиссасин.
Чашмадур оби ҳаётга шеъру илҳомим ҳануз.

ЖОНИБЕК таржимаси.

СССР парламент группасида

12 майда СССР парламент группаси комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни СССР парламент группаси раиси А. П. Шитиков олиб борди.

Комитет Каракасда парламентларо Иттифоқ органлари мажлисларида делегациянинг иштироки тўғрисида СССР парламент группаси раисининг биринчи ўринбосари Е. С. Насриддинованинг ахборотини тингладн.

Комитет делегациянинг фаолиятини маъқуллади.

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ мажлиси «Жанубий Кореядаги ватандошларга, ака-укалар ва опа-сингилларга, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг арбобларига мурожаат» қабул қилганлиги мўносабати билан комитет шу мурожаатда Кореяни тинч йўл билан бирлаштириш тўғрисида илгари сурилган таклифларни қўллаб-қувватлаганлигини билдирди ва шу масала хусусида КХДР парламент группасига мактуб йўллашга қарор қилди.

Германия Федератив Республикаси Бундестагида СССР билан алоқа қилувчи парламент группаси тузилганлигини назарда тутиб, комитет худди шундай принципга амал қилиб, ГФР билан парламент алоқаси бўйича СССР парламент группаси секциясини тузишга қарор қилди ва СССР Олий Советн депутати Л. М. Замятнин шу секциянинг раиси қилиб тасдиқлади. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. А. КАПУСТЯНСКИЙГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ЮРИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали илмий педагогик фаолияти, ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва республика қонунчилигини такомиллаштиришдаги хизматлари учун В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети юридик факультети маъмурий ҳуқуқ кафедрасининг доценти Нусин Аронович Капустянскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1971 йил 13 май.
Тошкент шаҳри.

Тўртлик мамлакатларда

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ КУЧАЯВЕРСИН

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ Н. С. ТИХОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

13 майда халқ Венгриясининг пойтахти Будапештда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Ассамблеяси очилди. Тинчликсевар кучларнинг мана шу анжумани ва тинчлик тарафдорларининг ҳозирги вазиятдаги вазифалари тўғрисида гапириб беришни сўраб, ТАСС мухбири тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг раиси, «халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Н. С. Тихоновга мурожаат қилди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Ассамблеяси, деди Н. С. Тихонов, тинчлик тарафдорлари учун, барча тинчликсевар кучлар учун катта воқеа. Бу ассамблея жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги кенг доираларининг диққат ва эътиборини ҳақли равишда ўзига тортмоқда. Жаҳондаги юзга яқин мамлакат миллий ва халқаро ташкилотларининг вакиллари Ассамблеяда иштирок қилаётир. Унда ҳозирги кунда планетамизнинг ҳамма томонларида миллионлаб кишиларни тўлқинлантириб турган воқеалар муҳокама қилинмоқда.

Совет тинчлик тарафдорлари, деди сўнгра Н. С. Тихонов, Ассамблея чақирилганлигини табриклямоқдалар, тинчлик ва халқлар тараққиёти идеалларини ардоқловчиларнинг ҳаммаси билан ҳамкорликни зўр ғайрат билан давом эттиришга тайёрдирлар. Ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун курашнинг КПСС XXIV съезди қарорларида белгилаб берилган улуғвор программаси бизни руҳлантиради.

Бир съездда қабул қилинган «Ҳинди-Хитой халқларига эркинлик ва тинчлик беридсин!» деган мурожааттини яндиллик билан қувватламоқдамиз. Бутун дунёда, шу жумладан, Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам қийғос ва тобора қаттиқ норозиликлар билдирилаётганлигига қарамай Вашингтон Шарқий Жанубий Осиёда агрессияни давом эттирмоқда. Бу авантюра Американи жуда шармандa қилмоқда. Совет тинчлик тарафдорлари империалистик агрессияни дарҳол тўхтатишни ва Хинди-Хитой халқларига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини беришни талаб этмоқдалар.

Съезднинг бошқа бир ҳужжатини — «Якин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик бўлсин!» деган баёнотни ҳам батамом маъқулламоқдамиз.

Европада коллектив хавфсизликни таъминлаш проблемаси инсониятни тўлқинлантираётган муҳим масала бўлиб қолди. СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида ва Польша билан Германия Федератив Республикаси ўртасида шартномадар имзоланганлиги қитъада кескинликнинг юмшатилишига ёрдам берди. Европада хавфсизлик ва тинч ҳамкорлик масалаларига бағишланиб, халқаро кенгаш чақириш ҳақидаги масала ҳозир кун тартибида турибди. Совет тинчлик тарафдорлари Европа қитъаси мамлакатлари жамоатчилигининг вакиллари учрашувига бутун чоралар билан кўмаклашажаклар.

Тинчлик учун кураш бутун тараққийпарвар инсониятнинг истак ва орзуларига мос бўлиб тушмоқда. Тинчлик учун кураш программасини амалга ошириш барча тинчлик тарафдорлари учун, тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг фаолияти учун биринчи даражадаги аҳамиятга эга вазифадир.

Яқинда Москвада тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети президиумининг кенгайтирилган мажиси бўлиб ўтди. КПСС XXIV съезднинг қарорлари асосида бу мажлис тинчлик учун курашдаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида совет тинчлик тарафдорлари фаолиятини янада кенгайтириш чораларини белгилаб берди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Будапештда чақирилган Ассамблеяси, деди пировардида Н. С. Тихонов, тинчлик ва халқлар дўстлиги олижаноб ғояларининг тантанаси учун курашда холис миллионлаб миллион-миллион кишиларнинг куч ва ғайратларини бирлаштиришга хизмат қилишига жуда аминман. Бу Ассамблея, ҳеч шубҳасиз, тинчлик тарафдорлари улуғ ҳаракатини янада зўр куч билан юксалтиришга хизмат қилади.

ҲАРБИЙ КЕНГАШ МАЖЛИСИГА

БЕРЛИН. АДН агентлигининг хабар беришича, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучлари Ҳарбий Кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашмоқ учун бу ерга Варшава Шартномаси Бирлашган қуролли кучларининг Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский, Варшавa шартномаси Бирлашган қуролли кучлари штабининг бошлиғи, армия генерали С. М. Штеменко, шунингдек Совет Армиясининг СССР мудофаа министри ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали К. С. Москаленко бошчилигидаги делегацияси ҳамда Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали П. Ф. Батицкий келди.

Мажлисда қатнашмоқ учун Болгария халқ армиясининг генерал-полковник А. Семержиев бошчилигидаги делегацияси; Венгрия халқ армиясининг генерал-лейтенант К. Чеми бошчилигидаги делегацияси; Польша армиясининг дивизия генерали Э. Мольчик бошчилигидаги делегацияси; Руминия халқ армиясининг генерал-полковник С. Чиркэ бошчилигидаги делегацияси ҳамда Чехословакия халқ армиясининг генерал-лейтенант К. Русов бошчилигидаги делегацияси ҳам келди.

ЙЎҚОЛСИН ТОТАЛИТАРИЗМ ВА ЗУЛМ

СОВЕТ ЖАМОАТЧИЛИГИ ВАКИЛЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Бу тўғрисида газабланмай гапириб бўлмайди. Америка Қўшма Штатларининг қоқ марказида қамоқ лагери пайдо бўлди. Ўн уч минг намойишчи қамоққа олинди, юзлаб кишилар қалтакланди, жароҳатлантирилди, майиб қилинди, таҳқирланди ва полициячилар ваҳшиёна муомала қилиб, камситдилар.

Минглаб кишилар тиконли симлар билан ўраб олинган лагерга ташландилар. Ўзларининг яшаш ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиққанликлари, ўз эрлари, ўғиллари, акаларининг яшаш ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқишга ботинганликлари учун мана шундай лагерга ташландилар.

Бу шармандалик АҚШда бўлаётир. Ваҳолонки, шу мамлакатнинг ҳукмдорлари, бизда демократик традициялар бор деб мақтанмоқдалар, ўзларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоячилари, демократия курашчилари қилиб кўрсатишга ўринмоқдалар.

Сурункасига бир неча йилдан бери Америка ҳукумати эрксевар Вьетнам халқини ракеталар ва напалм билан тиз чўктиришга ўринмоқда. Мамлакатнинг ичида иқчилик, майда миллатларни эзиш, студентлардан ўч олиш, зиёлиларга кун бермаслик, ашаддий макартизм авж олиб кетди. Америка демократияси амалда мана шундай.

Америка халқининг жуда кенг табақалари бундай аҳволга қарши чиққанларида уларнинг вакилларини ўққа тутмоқдалар, турмаларга ташламоқдалар, ёш оқизадиган газлар билан азоблямоқдалар.

АҚШ ҳукмрон юқори табақасининг мунофиқлиги ва андишасизлиги бизни ғоят газаблантирди. Фашизм тор-мор келтирилганлигининг йиллигини инсоннят нишонлаб турган мана шу май кунларида биз огоҳлантирувчи овозимиз билан наъра солмоқдамиз. Гитлерчилар рейхида ҳам халқаро босқинчилик энг оддий гражданлик эркинликларини оёқости қилишга таянганлиги ҳануз эсимизда. Тарих сабоқларини унутиш ярамайди.

Полициячиларнинг ўзбошимчалигига, қўполлик билан қилаётган зулмига, мактартизм тўлқини яна бошланаётганлигига қарши норозилик билдирамиз. Ҳозирги Америкада Линкольн ва Жеферсон идеалларини дангал ва дадил ҳимоя қилаётганлар билан биргамиз, Вьетнамдаги жирканч урушни тўхтатишни талаб қилаётганлар билан, яхши келажак учун курашаётганлар билан биргамиз.

Сергей ГЕРАСИМОВ — кино режиссёр, СССР Кинематография союзининг секретари, СССР халқ артисти, РСФСР Олий Советининг депутати, Давлат мукофотининг лауреати; Юрий ГРИГОРОВИЧ — СССР Иттифоқи Большой театрининг бош балетмейстери, РСФСР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати; Сергей МАРДАШЕВ — академик, СССР медицина Фанлари академиясининг вице-президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати; Георгий МАРКОВ — ёзувчи, СССР Ёзувчилар союзининг секретари, СССР Олий Советининг депутати, Давлат мукофоти лауреати; Надежда НАДЕЖДИНА — «Берёзка» хореографик ансамблининг бадиий раҳбари, СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати; Иван ПЕТРОВСКИЙ — академик, Москва давлат университетининг ректори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, Давлат мукофоти лауреати; Расул РИЗО — ёзувчи, Озарбайжон халқ шоири, Озарбайжон ССР Олий Советининг депутати, Давлат мукофоти лауреати, Тихон ХРЕННИКОВ — композитор, СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, СССР Олий Советининг депутати, Давлат мукофоти лауреати; Дмитрий ШОСТОКОВИЧ — композитор, СССР Композиторлар союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати.

Япония. Окинава оролида жойлашган Кодза шаҳар аҳолиси билан Америка ҳарбий хизматчилари ва маҳаллий полиция ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Суратда: шаҳар аҳолиси томонидан ёндирилган Америка автомашиналари.

ТАСС телефотоси.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

РЕКОРДЛАР

Нью-Йоркда шу йилнинг дастлабки уч ойи ичида 335 та қотиллик юз берган. Бу 1970 йилнинг шу давридагидан 55 та кўпдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, сўнгги йиллар ичида Нью-Йоркда Буюк Британия, Нидерландия, Ирландия, Швейцария, Испания, Швеция, Норвегия, Дания ва Люксембургни қўшиб олгандагидан ҳам кўп қотиллик қилинган.

ҚОТИЛЛИК ДАРСИ

Америка социологларининг аниқлашларича, сўнгги етти йил ичида Қўшма Штатларда қотиллик ва зўровонлик акс эттирилган, телекўрсатувлар 300 процент кўпайган. Телестанциялар ўз программаларида бир соат давомида турли кўринишдаги 26 хил қотилликни намойиш этмоқдалар. Американинг ўсмирлар ва қизлар орасидаги даврларида одамларни қандай ўлдиришаётганини 13000 марта кўрадилар.

ДОРИ ЁРДАМ ҚИЛДИ

Озиш учун дори-дармон ишлаб чиқараётган Англиядаги фармацевтика фабрикаларидан бирининг маъмуриятига қуйидаги мазмунда хат келди: «Сизнинг дориларингиз жуда ажойиб экан. Менинг рафиқам дастлабки икки ҳафта ичида олти килограммга озди. Кейин эса ўзи ҳам бутунлай йўқолди. Ташаккур ила Майкл Смит».

ДЕҲЛИДА БЎРОН

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахти — Деҳли устидан ва шунингдек Хариан, Уттар Прадеш ва Панжоб штатлари устидан даҳшатли қум бўрони эсиб ўтди. Шамолнинг тезлиги соатига 90 километрга етди. ПТИ агентлигининг хабарига қараганда бўрон катта зарар етказган, бир қанча жойлардаги экинзор пайхон бўлган, телеграф ва электр симлари узилган. (ТАСС).

ТУРКИЯДА ЯНГИ ҚОНУН

ИСТАМБУЛ. (ТАСС). Туркия парламенти қабул қилган янги қонун фавқулодда ҳолат даврида ҳарбий маъмурларнинг ваколат ва вазифаларини белгилаб беради. Бу қонунга мувофиқ қўлга олинган шахслар айблари айтилмаган ҳолда 30 кунгача қамоқда ушлаб турилиши мумкин.

«Зарурат туғилганда» ҳарбий маъмурларнинг вакилларига «мамлакатда осойишталикни сақламоқ учун қурол ишлатишларига» рухсат этилади. Ҳарбий қўмондонликка ахборот органларининг фаолиятини назорат қилиш, цензурани амалга ошириш, газеталар, журналлар ва бошқа матбуот органларининг фаолиятини чеклаш ёки ёпиб қўйиш ҳуқуқлари берилди.

Қонун «фавқулодда ҳолат жорий этилишига олиб келган жиноят қилган» деб айбланиб қамоққа олинган ишларнинг иши фавқулодда ҳолат муҳлати тугаганидан кейин ҳам ҳарбий судларда кўриб чиқилишини кўзда тутади.

ХАТАРЛИ СИЁСАТ

Утмишда япон милитаризмининг инсоният бошига қандай оғир кулфатлар келтирганини кишилар яхши билади. Шунинг учун ҳам япон милитаризмининг қайтадан жонланаётгани жаҳон жамоатчилиги орасида қонуний ташвиш туғдирмоқда.

Токио расмий доираларининг ҳарбий мақсадлар учун ажратилаётган маблағларни йилма-йил ошириб бораётганликлари Японядаги милитаристик гуруҳларни ғоят қувонтирмоқда. Яқинда Япония миллий мудофаа бошқармаси (Япония мудофаа министрлиги шундай деб аталади — Т. С) 1972—1976 йилларга мўлжалланган тўртинчи «мудофаа плани»ни ишлаб чиқди. Япон ҳарбийлари ушбу планга кўра ҳукуматдан 5,8 триллион иен (16 миллиард долларга тенг) оладилар. Бу ўтган планда сарфланган маблағлардан 2,5 марта кўпдир. Янги планга кўра япон ҳарбий-денгиз, қуруқликдаги ва ҳарбий-ҳаво кучлари жуда кўп миқдорда танк, ҳарбий кемалар, самолётлар ва бошқа анжомлар оладилар. «Майнити» газетасининг ёзишича, ҳозирданоқ қуроллар ишлаб чиқарадиган йирик япон кампаниялари «Фудзи», «Мицубиси», «Кавасаки», «Мицубиси дэнки», «Хитати», «Ниппон дэнки» ва «Тосиба» ўртасида ҳукуматнинг кўпроқ ҳарбий буюртмаларини қўлга киритиш ва бунинг натижасида кўпроқ фойда олиш учун қизғин кураш авж олиб кетди.

Япон компаниялари ўз навбатида ҳар бир ишлаб чиқарилган танк, самолёт, кема ва бошқа турдаги қурол учун кўп пул талаб қилмоқда. Масалан, 105-миллиметрли тўп билан қуролланган янги япон танкининг ҳар бирига 230 миллион иен (670 минг доллар) сарфланажаги яқинда маълум бўлди. Яқин йилларда эса ана шу танклардан 600 таси ишлаб чиқарилмоқчи. Бунга япон солиқ тўловчиларининг 60 миллиард иени кетади. Буларнинг ҳаммаси, сўзсиз, япон меҳнаткаш ларининг туб манфаатларига зиддир.

Япон расмий доиралари қуролланишнинг авж олдирилаётганлигини мамлакатнинг «мудофааси» тақоза қилади деб оқламоқчи бўляптилар. Мудофаа бошқармасининг янги плани ҳам шунга қаратилган деб айтмоқдалар. Аслида мамлакатни ўта хатарли йўл ҳисобланган милитаризм йўлига тортувчи янги мудофаа плани шармандаси чиққан ва Узоқ Шарқдаги халқаро аҳволни кескинлаштираётган япон-америка «хавфсизлик шартномаси»сига асосланиб тузилган пландир. Чунки янги ҳарбий программани ишлаб чиққанлар ҳозир ҳам япон-америка хавфсизлик шартномасининг сақланиб қолиши Япония мудофаасининг асосий шарти деб ҳисоблямоқдалар.

Япон ва кенг жаҳон жамоатчилигининг кескин норозилигига қарамай, 1970 йилда муддати яна узайтириб олинган япон-америка шартномасининг асосий тиғи социалистик мамлакатларга ва бошқа прогрессив кучларга қарши қаратилганлигини ҳамма яхши билади. Ҳинди-Хитой халқларига қарши адолатсиз уруш олиб бораётган ва Осиёда босқинчилик сиёсатини юргизаётган Вашингтон эса Японияннг милитаризмга тобора кўпроқ ён босишидан мамнун бўлмоқда. Японияга Жанубий-Шарқий Осиёдаги бош иттифоқчиси сифатида қараётган АҚШ уни Японияннг ўзи учун ғоят хатарли ва ҳавфли бўлган ишларга тортмоқда.

Ўтмишнинг адолатли сабоқларини унутаётган Токиодаги раҳбарлар эса ўз навбатида АҚШнинг Жанубий-Шарқий Осиёда олиб бораётган босқинчилик сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар.

Маълумки, ўтмишда япон милитаристлари юргизган сиёсат Япония учун жуда қимматга тушган эди. Шунга қарамай, Японияда милитаризм яна жонланмоқда. Япон маъмурларининг юргизаётган бугунги сиёсатлари милитаризм учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам Японядаги демократик кучлар орасида янги ҳарбий программа кескин норозилик туғдирди. «Япон маъмурлари юргизаётган милитаризмни кучайтириш сиёсати, — деб ёзди «Иомиури» газетаси, — Узоқ Шарқда кескинлик туғдириши мумкин, холос». Милитаристик сиёсатга чек қўйиш, япон-америка ҳарбий иттифоқини тарқатиб юбориш япон халқининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Талъат СОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг халқаро шарҳловчиси.

УМИДИМИЗ КАТТА

Зарафшон воҳасида СССР халқлари спартакиадаси программаси бўйича мусобақалар бошланиб кетганига анча вақт бўлди. Самарқандликлар қишлоқ, шаҳар ва район мусобақаларини муваффақиятли якунладилар. Учинчи босқич мусобақалари эса бугунги кунда қизғин давом этмоқда. Йигит ва қизларимиз спортнинг ҳар қачонгидан кўп — 19 тури бўйича область шарафини ҳимоя қилмоқдалар. 12 эрлар ҳамда 8 аёллар командасининг ҳар бир аъзоси учинчи босқич мусобақаларида ғолиб чиқиб, область терма командаси билан финал ўйинларида иштирок этиш учун курашмоқдалар.

Бу йил мамлакатимизда катта спорт — СССР халқлари спартакиадаси йили бўлиб қолади. Миллионлар мусобакаси деб ном олган мазкур кураш номи билан областимизнинг узоқ бурчаклари, қуйи спорт коллективларида ҳам физкультурачилик ҳаракати оммавий равишда жонланиб қолди. Каттақўрғон нурчилари шаҳар сув ҳавзаси қирғоғида спорт базаси яратиб, жисмоний тарбиянинг бир қанча турлари бўйича мунтазам шуғулланиб туришибди. Булунғур район «Узсельхозтехника» бирлашмасининг спортчилари футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва туризм билан машғул. Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозида биргина футбол бўйича механизатор, шофер ва колхозчилардан иборат 12 команда ташкил қилинган. Уч минг томошабинга мўлжалланган янги стадион колхоз аҳлининг севимли манзилгоҳига айланиб бормоқда.

Зарафшон дарёси бўйларида чиниққан ҳар бир спортчи бугунги кунда бор имкониятларини ишга соляпти. Биз дастлабки босқичларда зўр шижоат кўрсатган навоийликлар, Ингичка кон бошқармасининг, «Красний двигатель» заводи физкультурачилари, «Самарқанд» колхози аъзолари ва галлароллик ўқувчилар ҳамда шунга ўхшаш спорт ихлосмандларимиз билан фахрланамиз. Икки босқичда областнинг 1234 қуйи коллективи ва жамиятларидан жами 1800 дан кўпроқ физкультурачилар мусобақаларда иштирок этди. Бунда 44 биринчи, 215 иккинчи ҳамда учинчи разрядга лаёқати борлар ўзини кўрсатди.

Спортчиларимиздан умидимиз катта. Улар область спартакиадасининг сўнгги учинчи босқичини якунлаб, терма командамиз составини муносиб янги кучлар билан тўлдирадилар.

Н. КАРИМОВ,
Самарқанд область физкультура ва спорт комитетининг раиси.

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Азиз умр йўлдошимиз, отамиз ва бобомизнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирган барча кишиларга, муассаса ва ташкилотларга газетанинг орқали чуқур миннатдорчилигимизни билдиришингизни сўраймиз.

М. З. МИРЗААҲМЕДОВлар оиласи.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.30 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ, 19.05 — Ўқувчилар учун эшиттириш, 19.45 — АХБОРОТ, **Узбек тилида:** 20.00 — МИРТЕМИР (адабий портрет), 21.00 — АХБОРОТ, 21.15 — Телефильм, 21.30 — «Ноз-неъмат бунёдкори», 22.00 — Санъат усталари концерти (Тбилисидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 — МОСКВА, 18.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.40 — Ҳужжатли фильм, 19.35 — «Ярим аср жанговар йўлда», 20.05 — Янгиликлар, 20.15 — Телеспектакль, 20.45 — Ҳужжатли фильм, 22.00 — ТОШКЕНТ. **Зирапча** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Танбур ва дутор тароналари, 20.40 — Фильм-концерт, 21.05 — **Галилео Галилей** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/V да **Дон Карлос**, 15/V да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/V да **Олтин девор**, 15/V да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/V да **Паранжи сирлари**, 15/V да **Хотинимнинг эри**, 16/V да **Севишганлар хиёбони.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Том Жонс (2 серия, рангли) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11 ярим, 2, 4 ярим, кеч 7 ва 9,15 минутда).

Кумуш карнайлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 3, 5 да).

Соқов ва севги (кундуз 11, 1, кеч 8.45 минутда). **Гул ва тош** (ўзбек тилида, кундуз соат 3, кеч 6 да): — «КЎКЧА».

Денгиз қўшиғи — «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 12, 1, 5, кеч 6, 7, 9 да).

Кунгабоқар — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Салют, Мария! — «СПУТНИК» (кундуз соат 4, 5, кеч 8 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ярим, кеч 6 ярим ва 9 да).

Ҳамроз (2 серия) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 2.40, кеч 8.30 минутда), «МОСКВА» (кеч соат 8.40 минутда).

Директор (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 10 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кеч 6 ва 9 да).

Фақат кўнгилсизликлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.50 ва 10,30 минутда бошланади)

Кунгабоқар — «ФЕСТИВАЛЬ», **Виннету** — **апачлар йўлбошчиси** — «ХИВА», **Квартира** — ТЕЛЬМАН номли.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг сиртқи бўлимда

ЎҚУВЧИ СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1970—71 ўқув йилининг ЕЗГИ СИНОВ-ИМТИҲОН СЕССИЯСИ

Ўзбек группаларда қуйидаги муддатларда:

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИДА —
III-IV курслар — 27 майдан,
II курсда — 11 июндан,
I курсда — 20 июндан;

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИДА —
III-IV курслар — 17 майдан,
I, II, V курслар — 1 июндан;

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИДА —
I-IV курсларда — 1 июндан;

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИДА —
I-II курсларда — 8 июндан,
III, IV, V курсларда — 14 июндан;

ГЕОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИДА —
II, IV, V курсларда — 17 майдан,
III курсда — 20 майдан;

ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИДА —
I-V курслар — 7 июндан

УТКАЗИЛАДИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЛЕНИН НОМИДАГИ **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** қуйидаги мутахассисликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда: КПСС тарихи, эҳтимоллик назарияси, геометрия ва топология, ҳисоблаш математикаси, радиофизика (квантли радиофизика билан), физик электроника (квантли электроника билан), ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, актив физиологик моддалар химияси ва табиий химия, ихтиология, гидробиология, гидрогеология, петрография, литология ва минералогия, тупроқшунослик, сиёсий иқтисод, табиётшуносликнинг фалсафа масалалари, гражданлар ҳуқуқи ва гражданлик процесси, совет адабиёти;

ишлаб чиқаришдан ажраламаган ҳолда: КПСС тарихи, математик анализ, функционал анализ, ҳисоблаш математикаси, назарий механика, гидромеханика ва газ динамикаси, эксперименталь физика, назарий ва математик физика, физик электроника (квантли электроника билан), ноорганик химия, аналитик химия, юқори молекулали бирлашмалар химияси, табиий химия ва актив физиологик моддалар химияси, коллоидли химия, биофизика, ихтиология, генетика, гидробиология, гельминтология, гидрогеология, петрография, литология ва минералогия, палеонтология ва стратиграфия, археология, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм асослари, фалсафа тарихи, марксча-ленинча эстетика, илмий атеизм, логика табиётшуносликнинг фалсафа масалалари, умумий физик географ ия, қуруқлик гидрологияси, давлат ва маъмурий ҳуқуқ, совет адабиёти, СССР халклари адабиёти, чет эл социалистик мамлакатларининг адабиёти, Ғарбий Европа ва Америка мамлакатларининг адабиёти, Осиё халкларининг адабиёти, Ҳиндистон халкларининг тиллари, журналистика, рус тили, халқ оғзаки ижоди.

Кундузги аспирантурага ёши 35 дан, сиртқи аспирантурага 45 дан ошмаган олий маълумотли, танлаган мутахассислиги бўйича камида икки йил иш тажрибасига эга бўлиб илмий-тадқиқот ишларида қобилиятини кўрсатган шахслар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар олий ўқув юртини тугатганларидан сўнг олий ўқув юртининг илмий советлари тавсияси билан аспирантуранинг конкурс синовларига қўйиладилар.

Аспирантурага кириш ҳақида ректор номига ёзилган ариза: кадрларни ҳисобга олиш бўйича фото суратли шахсий варақа, сўнгги иш жойидан ижтимоий — ишлаб чиқариш характеристикаси, олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси, реферат ёки эълон қилинган ишлар рўйхати, иш ҳақи тўғрисидаги справка, медицина справкаси, (кундузги аспирантурага кирувчилар учун) қўшиб топширилади.

Паспорт ва диплом шахсан кўрсатилади.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари программаси бўйича: танлаган мутахассисликлари бўйича, КПСС тарихи ва чет тилларининг биридан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Ариза ва ҳужжатлар 15 августгача қабул қилинади.

СПРАВКАЛАР УЧУН УНИВЕРСИТЕТНИНГ АСПИРАНТУРА БЎЛИМИГА: Тошкент шаҳар, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Д-110 хона (11 қават)га, учрашилсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПЕЗИДИУМИГА (Гоголь кўчаси, 70-уй, 3-қават, 36-хона, телефон 33-57-06) бухгалтер-ревизорлар, академия институтларига бош бухгалтерлар

КЕРАК

«СПЕЦМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИГА (Эгарчи кўчаси, 34-уй) электрик (меҳнат ҳақи бақтбай), бўлим бухгалтерлари

КЕРАК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия бюроси ва маҳаллий комитети Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссияси аъзоси М. Р. Ражабовга отаси

Курамбой РАЖАБОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор — 336543, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333253. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 333142 Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4-29-44, Гулистон — 22-09.

А. — 108. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р-03354.